



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

2022/№ 2

ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 2, 2022
февраль

Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич	Бегалиев Ш. Ю., Маматова З. Способы презентации пассивных конструкций английского языка	7
Жамоатчилик кенгаши раиси: Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори	Насруллаева Г. Шавкат Раҳмон шеърятда антропоморфик метафоралар	16
Таҳририят кенгаши раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович	Газиева М. М. Новербал воситалар таснифига оид концептуал структуралар	20
Масъул котиб: Акрамова Гулбаҳор Ренатовна	Mirzayeva M. A., Yusupova M. A. The relationship of emotional and cognitive components in the process of teaching a foreign language in the primary grade	26
Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич	13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй	Муминова Л., Шорахмедова С. Ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларга ҳозирги замон логопедик ёрдамни ташкил этиш: муаммолар ва ечимлар	33
Телефон: +998(90)744-00-22	Мусаев Ж. П. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг ижтимоий педагогик ва психологик омиллари	40
E-mail: eirjournal2020@gmail.com	Магруппов А. М. Система интеграции стратегического и функционального менеджмента в системе высшего образования	49
Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz	Ҳакимова М. Ҳ. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг методик имкониятлари	56
Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган	Холмуродов А. Умумий ўрта таълим педагог кадрларининг малакасини ошириш механизмлари	62
Босишга рухсат этилди: 28.02.2022 й. Қўғоз бичими 60x84 1/8. 6/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган	Шокирова Ш. Д. Комплекс реабилитация жараёнида ринолалияли болалар билан логопедик ишни ташкил этиш босқичлари	67
Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади	Ражабова Г.С. Аль – Хорезми - великий математик и основатель алгоритма	74
«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журналидан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади	Давронов Н. И. Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчилари билан олиб бориладиган дарсдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти шакллари	81

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир

Бердиева Г. Ш. Фаолиятли ёндошув – ўқувчиларда қадриятли мулоқот маданиятини шакллантириш омили сифатида	86
Исмаилов А. А. Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштиришнинг назарий ва институционал асослари	92
Эгамбердиева Н. М., Ходжаёрова Б. А. Ўқувчи-ёшларда креативликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари	104
Джураева М. Ҳиссий-иродавий сифатларнинг педагогик-психологик тавсифи	111
Ҳамдамова Н. М. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантиришда муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш	115
Ибрагимов А. А. Ўқитувчиларнинг касбий билимларини ривожлантиришда муаммога асосланган ўқитиш ёндашувининг имкониятлари	120
Мухиддинова Н. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний машқлар ёрдамида интеллектуал ривожлантириш зарурияти ва муаммолари	126
Ўринов У. А. Техника таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш	133
Нуруллаев А. Р. Ўқувчиларда чидамлилиқ жисмоний сифатни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	139
Мамадалиев Қ. М. Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулоти орқали соғломлаштиришнинг аҳамияти	144
Содиқова Ш. М. “Оптик толада ёруғлиқнинг тарқалиш қонуниятлари” мавзусини ўқитишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш	148
Жураев Б. Т. Сомонийлар даврида таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари	155
Туйчиев А. И. Уйинли воситалар асосида ўқувчиларнинг интизомий кўникмаларини ривожлантириш технологияси	160
Jalilov Z. B., Toyirova D. S. Sensor tarbiya vositasida bolalar nutqini rivojlantirish jarayonining mazmuni	163
Ubaydullayev S., Umarova M. Shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari	168
To‘raxonov F. B. Ixtisoslashgan maktablarda fizikaviy jarayonlarni modellash tirish imkoniyatini beruvchi dasturiy ta’minotlar tahlili	174
Dilova N. G. Sharq mutafakkirlari merosi vositasida ta’lim jarayonidagi shaxslararo munosabatlarni o‘rnatishning pedagogik xususiyatlari	178

Юсупова Д. С. Таълим сифатини ошириш жараёнида ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш омиллари	184
Имамова У. М. Таълимда инновацион технологияларни мақсадли йўналтириш самарадорлиги. Педагогик инновацияларни амалга ошириш восита ва усуллари	189
Қурбонова Г. Ролли ўйинларнинг гендер бағрикенгликни шакллантиришдаги аҳамияти	194
Гафурова Д. Мактаб ёшдаги мураккаб нуқсонли болаларни ўқитиш ва тарбиялаш муаммолари	198
Iminova M. A. Using the design method in the development of learning activity of primary schoolchildren	204
Sharipova N. N. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni ijodiy faoliyat jarayoniga tayyorlashning pedagogik ahamiyati	209
Ashurova Z. M. Zamonaviy ta'lim- tarbiya jarayonida fasilitatorlik qobiliyatining o'rni va ahamiyati	215
Mamajanova G. Kh. Development of students' speech on the basis of a differentiated approach	220
Raxmonova D. N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida musiqa savodxonligini shakllantirish yo'llari	224
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Salaxutdinova M. I., Narzikulova M. B. Iste'molchilarning ta'lim xizmatlari to'g'risidagi tushunchalarga munosabati muammolari	230
Nabiyeva Odina Rafikjonovna Reproductive yoshdagi ayollarda tug'ruqdan keyinkuzatiladigan ruhiy o'zgarishlar,	238
Саломова Г. III. Критическое мышление – когнитивная способность личности	243
Махмудова Д. М. Информатика машғулотида креатив тасаввурни ҳосил қилиш усуллари	246

ИНФОРМАТИКА МАШҲУЛОТЛАРИДА КРЕАТИВ ТАСАВВУРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.32.11.041>

Махмудова Дилфуза Мелиевна

п.ф.ф.д.(PhD), доцент, Математика ўқитиш методикаси ва геометрия кафедраси мудири, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация. Мақолада талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришида тасаввурни ривожлантириш усуллари аҳамияти баён қилинган. Амалий дастурлар пакети курси юзасидан креатив тасаввурни ҳосил қилиш ва уни креатив фаолиятга айлантиришида нафақат креатив тафаккур, балки темпераментдан самарали фойдаланиш муҳимлиги аниқлаштирилган.

Калит сўзлар: тафаккур, креатив тафаккур, креатив фаолият, темперамент.

METHODS FOR FORMING CREATIVE IMAGINATION IN COMPUTER SCIENCE LESSONS

Dilfuza Melievna Makhmudova,

PhD, Associate Professor, Head of the Department of Methods of Teaching Mathematics and Geometry, Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent Region

Abstract. The article describes the importance of methods for the development of imagination in the development of creative activity of students. The importance of not only creative thinking, but also the effective use of temperament in creating creative imagination in the course of studying the course package of applied programs and turning the educational process into creative activity is revealed.

Keywords: thinking, creative thinking, creative activity, temperament.

МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ КРЕАТИВНОГО ВОООБРАЖЕНИЯ НА ЗАНЯТИЯХ ИНФОРМАТИКИ

Махмудова Дилфуза Мелиевна,

PhD, доцент, заведующий кафедры Методика обучения математики и геометрии, Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

Аннотация. В статье описывается значение методов развития воображения в развитии креативной активности учащихся. Выявлена важность не только креативного мышления, но и эффективного использования темперамента в создании креативного воображения по ходу обучения курса пакет прикладных программ и превращении образовательного процесса в креативную деятельность.

Ключевые слова: мышление, креативное мышление, креативная деятельность, темперамент.

Кириш. Ўқитувчи баъзан талабаларнинг мураккаб тушунчаларга оид билимларини бойитиш учун гарчи мазмун билан боғланмаган бўлса ҳам, тасаввурни уйғотишга имкон берувчи ғояларни ишлаб чиқишда намуна бўладиган воситадан фойдаланишни ўйлайди. Тасаввур “мазмуннинг янгича талқини яратиб, мавжуд тажрибаларни бойитишга олиб келадиган, бироқ, уларни ноодатий усуллар билан бирлаштирган ҳолда фикрлашнинг ўйин ҳолатидаги шакли” [1].

Олим Ридли Пирсон тасаввурнинг моҳиятини экстенсив равишда очиб беради. У ўзининг “Шоу гапирмайди” (гап англиялик драматург Бернард Шоу тўғрисида

бормокда) номли асарида ўқитувчиларга аудиторияда талабаларнинг тасаввурларини ижодий ривожлантиришга имкон берадиган ғояларни тақдим этади [2]. Қачонки ўқитувчи талабаларга далилларни тақдим этса, улар фикрлай бошлайди. Биринчи ўқитувчи талабаларга фақатгина мазмун ҳақида маълумот бериши, иккинчи ўқитувчи уларга ушбу ҳодисанинг моҳиятини кўрсатмали тарзда очиб бериши, учинчи ўқитувчи эса талабаларга бир-бирига яқин икки ҳолат ўртасидаги алоқани топиш мақсадида ўз тасаввурларидан қандай фойдаланиш кераклигини кўрсатиши мумкин.

Материаллар, методлар, таҳлил ва муҳокама. Жуда кўпчилик ўқитувчилар талабаларни воқеликнинг тарихи билан таништиришда уни турли босқичлар: боши, ўртаси ва якунига оид маълумотлар билан таништиришда Пирсоннинг уч босқичдан иборат ҳаракат тузилмасига оид қарашидан фойдаланади [3]. Мазкур тузилма талабаларнинг тасаввурларини бойишга қўмаклашиш, шунингдек, муайян маънога эга категориянинг бир бўлагини ахборот сифатида кўрсатиш учун фойдааниш мумкин. Универсал бўлган тушунчаларни турли фанлардан бошланиши, ўртаси ва якуни тушунчалари ўрнига маълум ҳаракатнинг уч ҳолатини тасвирлаш учун “киришиш, ривожланиш, юқори чўққига кўтарилиш” атамаларини қўллаш мумкин. Мазкур “уч ёклама қараш” талабаларга уларда эркин тасаввурни ривожлантиришга хизмат қиладиган тузилмани тақдим этади.

Тина Силиг тасаввурни бойитишнинг учта усулини тақдим этади [4]. Биринчи йўл – саволнинг қандай қўйилганлигига эътиборни қаратишдан иборат. Мазкур тузилма жавобни тасаввур этишга йўналтирилади. Талабалар учун кўргазмали тасвирлашнинг энг яхши усули – юмрдан фойдаланиш саналади. Дарсда қўлланиладиган ҳазил, балки, дунёдаги энг кулгули ҳазил бўлмаслиги мумкин, аммо айнан шу ҳазил талабанинг мавзу моҳиятини қанчалик даражада тушунганлигини намойиш этади.

Тадқиқотчи Тина Силигнинг иккинчи таклифи креатив фикрлаш ғояларини бир-бирига қўшиш ва ўзаро боғлашга асосланади. Ғоялар ҳаёлий, ҳаққоний ёки амалий бўлиши мумкин. Масалан: талабалар ультрабинафша нурларнинг инсон терисига таъсирини ўрганади. Ультрабинафша нурларининг зарарли таъсиридан сақланиш учун ҳозирда махсус химояловчи кийимлар, кўзойнақлар, қуёшдан химояловчи кремлар, соябонли курсилар ва бошқа воситаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Талабалар одамларни қуёшнинг ультрабинафша нурларидан химояловчи ғояларни янги қарашлар билан тўлдириш, уларни ўзаро мувофиқлаштиришга ва ғоялар рўйхатини жамоада муҳокама қилишга жалб этилади.


Тина Силиг, шунингдек, тасаввурни уйғотишнинг самарали усули сифатида мавжуд тахминларни инкор қилган ҳолда янги тахминларни илгари суришни таклиф қилади. Аудиторияда муаммоли сценарий асосида талабаларга вазиятни таклиф этиш ҳамда сценарийда бевоқиф кўзда тутилиб, ечимни топишда иштирок этадиган тахминларни тадқиқ қилишга имкон берадиган шароитнинг яратилиши мақсадга мувофиқдир. У ўқитувчи талабаларга футуристик (инсон ва жамият ҳаётининг келажагини башорат қилувчи оқим) мазмундаги сценарийни тақим этиши мумкинлигини айтади. Талабаларга ушбу сценарий бўйича ҳолатни тасаввур қилиш, бу ҳодиса нима учун содир бўлишини таҳлил қилиш ва ушбу вазиятнинг эҳтимолий таъсирларини санаб чиқиш вазифаси берилади.

Масалан, бизнинг тадқиқот ишимизда Амалий дастурлар пакети курси юзасидан креатив тасаввурни ҳосил қилиш ва уни креатив фаолиятга айлантиришда нафақат креатив тафаккур, балки темпераментдан самарали фойдаланиш мумкин. Бу ўринда анъанавий темпераментни геометрик фигуралар орқали аниқлаш тестига креативликни ранглар воситасида аниқлаш методлари уйғунлаштирилади.


Топшириқ: талабаларга MS Excel ёки MS Word матн ҳамда график муҳаррирда диаграмма, гистограмма кабилар орқали статистик маълумотларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилади. Бунда талабалар диаграмманинг айлана, учбурчак, тўртбурчак ёки чизикли

шаблонларидан фойдаланишлари мумкин:


Шаблон. Танланган шаблонга қараб талабанинг қайси темпераментга мослиги ҳамда креативлик даражасини аниқлаш мумкин (масалан, 1-шаблонни танлаш меланхолик темпераментга эга талабаларга хос):




2-шаблон. (Мазкур шаблонни танлаш сангвиник темпераментга эга талабаларга хос).



3-шаблон. (Мазкур шаблонни танлаш флегматик темпераментга эга талабаларга хос).



4-шаблон. (Мазкур шаблонни танлаш холерик темпераментга эга талабаларга хос).



Хулоса. Мазкур методика тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқилиб, тажриба-синов ишларида муваффақиятли қўлланилди. Шу каби методикалар уйғунлашувидан ҳосил бўлган янги усуллар талабаларнинг нафақат креатив фаолиятга тайёрлиги, балки уларнинг келажакдаги фаолиятида темперамент хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қай даражада юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлишимизга ҳам имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sternberg, R. J. (Ed.). (1999). Handbook of creativity. – Cambridge, UK: Cambridge University Press
2. Pearson, R. (2012, November 17). Getting it write: Where imagination meets creativity. Presentation at the NAGC 59th Annual Convention, Denver, Colorado
3. Pearson, R. (2010). Getting your act(s) together. The complete handbook of novel writing: Everything you need to know about creating & selling your work (pp. 64–70). – Ontario: Writer's Digest.
4. Seelig, T. (2012). inGenius: A crash course on creativity. – New York: HarperOne